

Илмли аёл фазли



09:00 / 15.06.2023 1468

Аллоҳ таолога ҳамду саноларимиз бўлсинки, бизни Ислом неъматини билан ризқлантирди, аёлларнинг жамиятдаги ўрнини кўтариб, жаннатни унинг оёқлари остида қилиб қўйди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга салавоту дурудлар бўлсинки, аёлларни эъзозлашда бизларга гўзал ўрнак бўлдилар.

Аллоҳ инсонни, шу жумладан, аёлни мукаррам қилиб яратди. Ислом дини келиши билан жоҳилиятда бир матоҳ сифатида қаралган аёлнинг ҳақ-ҳуқуқлари эркакники билан тенглаштирилди.

Абу Саъид Худрийдан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Илм талаб қилиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздор», деб марҳамат қилганлар.

Бир киши донишманддан сўрабди:

– Ҳазрат, менинг бир ўғлим ва бир қизим бор. Иккисини ўқитишга қурбим етмайди, фақат биттасини ўқитишга имконим бор. Қайси бирини ўқитай?

- Қизингни ўқит! Чунки у келажакда фарзанд тарбиялайди. Ўғлингни ўқитсанг, бир кишини ўқитган бўласан, аммо қизингни ўқитсанг, бутун бир жамият тарбия топади, - деб жавоб берибди ҳалиги улуғ зот.

Аёл кишининг илм олиши, турли соҳада малакали таълимга эга бўлишининг аҳамияти, муҳимлик даражаси бевосита жамиятнинг ҳозирги ва келгусидаги ривож билан боғлиқ. Яъни аёл қанчалик илм ва тарбияга эга бўлса, фарзандларини ҳам шундай тарбия қила олади. Тарбияли онадан гўзал андаза олган, одоб-ахлоқи жойида ва илмга чанқоқ фарзандлар жамиятга манфаат келтирадиган бўлиб етишади. Бундай тарбияли ва илмли жамиятнинг эса келажаги, шубҳасиз, буюқдир!

Оилада илмли ва тарбияли аёлнинг бўлиши нафақат фарзандлар, балки оиланинг бошқа аъзолари, хоссатан, жуфти учун ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳаётнинг турли синовларида ақл-идроки билан оиласини сақлаб қолишда ҳамда қариндош-уруғ билан муносабатлардаги мувозанат ва меъёрни ушлаб туришда асосий масъулият аёлнинг зиммасига тушади. Демак, оила ҳаётимизнинг бардавомлиги оналаримиз, опа-сингилларимизга бевосита боғлиқ.

Ундан ташқари, фарзанд тарбиясида онанинг ақлий ва илмий салоҳияти муҳим экани тиббиёт томонидан ҳам аниқланган. 2016 йил 16 ноябрда gnesso.ru сайтида эълон қилинган «Интеллект ребенка определяется материнскими генами» номли мақолада боланинг салоҳияти, қобилиятларининг кўп қисми айнан онадан ўтиши айтилган:

«Турли вақтларда олимлар инсон бўйи, вазни, бармоқ излари, касалликка мойиллик ва ҳатто тушкунлик ҳам ирсий йўл билан ўтишини исботлашган. Шу билан бирга, болага ақл-заковат отасидан мерос бўлиб ўтади деган қарашлар бўлган.

Бироқ олмон олимлари бу баёнотни рад этишди. Уларнинг кенг кўламли тадқиқотлари натижасида ақлий ривожланиш қобилияти болага отадан эмас, онадан ўтади деган хулосани ўртага чиқарди. Маълум бўлишича, отанинг генлари лимбик тизим - ички аъзолар фаолиятини, ҳис-туйғуларни тартибга солиш, хотира, уйқу кабиларнинг ривожланиши учун жавобгардир. Онадан эса мия ярим кортексининг ривожлантирадиган генлар ўтади.

«Оддий тил билан айтганда, бола онадан ақлий салоҳиятни, отадан ҳиссиётни олади...» деб ёзади Мария Клименко мақоласида.

Ушбу маълумотлардан хулоса қиладиган бўлсак, фарзандларнинг ақлий қобилияти яхши ривожланиши ҳар томонлама унинг онасига боғлиқ экан. Она қанчалик илм ўрганишга ҳарис бўлса, илмий салоҳияти қанчалик кенг бўлса, фарзанд ҳам келгусида ҳам маънан, ҳам ақлан етук бўлиб етишар экан.

Ўз соҳасининг зукко билимдони бўлиши билан бир қаторда аёлнинг зиммасида суюкли ёр, меҳрибон она, оқибатли фарзанд, ширинсўз ва чаққон келин, ораста бека бўлишдек масъулият ҳам бор. Бундай масъулиятни ўзининг нозик елкаларида кўтариб, уни шараф билан адо этаётган, шу билан бирга, илм талаб қилишнинг фарз эканини унутмай, муттасил изланишда бўлаётган аёлларимиз таҳсинга сазовордир.

Тарихга назар ташласак, зиммасидаги масъулият юксак шараф билан адо этиб, улуғ олиму фузалоларни тарбиялаган аёллар яшаб ўтганига гувоҳ бўламиз. Масалан, Ислом оламида юзлаб асарлар билан танилган Имом Суютийни кўпчилик танийди. Аммо у зотнинг устозлари ҳақида ҳамма ҳам билавермайди. Қуйида Имом Суютий раҳимаҳуллоҳнинг айрим муаллималарини санаб ўтамыз:

1. Осие бинт Жориллоҳ ибн Солиҳ ибн ал-Мансур. Имом Суютийнинг катта муҳаддиса устозларидан бири;
2. Уммат ал-Азиз бинти Муҳаммад ибн Юнус ал-Анбобий. Бу аёл ҳам Имом Суютийга ҳадис илмидан дарс берган;
3. Уммат ал-Холиқ бинти Абдуллатиф бинти Сиддиқ ибн Авзил-Муновий. Ўз даврининг муҳаддиса ва шоираси бўлган;
4. Хадийжа бинти Шаҳобиддин Аҳмад ибн Ҳалаф ибн Абдулазиз ибн Бадрон ал-Ҳусайнийнинг ҳам ҳадис илмида шуҳрати баланд бўлган.

Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин аслида. Бир нарсани унутмаслик керак, биз ҳатто исмини билмасак-да, лекин бизга яхши таниш улуғ алломаларнинг орқасида уларнинг тарбиячилари – муаллима, муҳаддиса аёллар турибди. Зеро, буюк инсонларни буюк оналар тарбиялайди!

Демак, фарз бўлган илмни талаб қилиш орқали аёл киши оиласида, иш фаолиятида, жамиятида соғлом муҳитни яратади, чиройли бир мувозанатни тутиб туради ва уммат учун салоҳиятли, иқтидорли фарзандлар дунёга келтириб, вояга етказди.

Фавзийя Мир Ваҳид
«Ҳилол» журналининг 6 (39) сонидан